Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 23 декабр шанба

Сотувда эркин нархда № 259 (2556)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ҳукумат комиссиясининг мажлиси

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг вазирлик ва идоралар, ҳудудий комиссия раҳбарлари иштирокида навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси Р.Азимов олиб борди.

Ушбу мажлисда Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида банкрот корхоналарни тугатиш жараёнларининг бориши таҳлил қилиниб, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида бу жараённи олиб боришдаги камчиликлар аниқланди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш муддатлари ва назорат чоралари белгиланди.

Комиссия томонидан тўлов қобилиятини тиклаб олишга истиқболи йўқ бўлган 11 корхонага нисбатан банкротлик таомилини қўллаш юзасидан қарор қабул қилинди ва корхоналарни иқтисодий ночорлик ва банкротлик ҳолатига келтирган раҳбарларнинг жавобгарлигини, шу жумладан жиноий жавобгарлигини кўриш юзасидан ҳудудий комиссиялар талабчанлигини ошириш масаласи қўйилди.

Комиссиянинг 2001 йилги иш режаси тасдиқланди. Ушбу режада республиканинг барча ҳудудларида банкротлик ва санация жараёнлари таҳлили ва муҳокамаси, банкротлик ва санация таомилларини қўллаш билан боғлиқ бўлган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш юзасидан қонуний, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар мажмуини, санация жараёнини якунлаган корхоналар молиявий ҳолатини ҳамда банкрот деб эътироф этилган корхоналар мол-мулкининг янги мулкдорлар томонидан ишлатилиш самарадорлигини ўрганиш, республика бўйича ва ҳудудларда банкротлик ва санация масалаларини ташкил этишга жавобгар мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш кўзда тутилган.

(ЎзА)

Самолётлар кўмакка келди

Гўзалкентлик деҳқонлар жорий йилда ғалладан мўл ҳосил етиштиришди. Улар 5715 гектар майдонга экилган буғдойдан 23820 тонна ҳосил олиб, давлатга йиллик дон топшириш шартнома режасини бажардилар.

Туманнинг «5-қаҳрамон», Мирзо Улуғбек, Гўзалкент, «Қайирма» ширкат хўжаликлари далаларида кузда экилган буғдой майсалари баравж ўсмоқда.

Айни пайтда гўзалкентлик ғаллакорлар Самарқанд эскодромиясининг «Ан-2» қишлоқ хўжалик самолётлари ёрдамида ғаллазорларга минерал ўғит беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: авиа механик Аваз Аҳроров ва экипаж командири Рафиқжон Шарипов; самолётлар ғаллазорга минерал ўғит сепмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга бағишланди

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Уни шаҳар ҳокими К.Тўлаганов бошқарди. Депутатлар шаҳарни жорий йил иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаларининг кутилаётган якунлари ва 2001 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифаларни муҳокама этдилар.

Сессияда якунланаётган йилда пойтахтда ислоҳотлар изчил давом эттирилгани натижасида шаҳар иқтисодиётининг барча соҳаларини ривожлантириш таъминланганлиги таъкидланди. Асосий эътибор иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш масалаларига қаратилди. Хусусан, саноат ва қурилишда, транспорт ва алоқада, хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалиги соҳаларида ижобий силжишлар рўй берди. Саноатда маҳсулот ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортди, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш тўлиқ ўзлаштирилди.

Шаҳар қурилишини кенгайтириш доимий эътиборда бўлди. Кўплаб замонавий касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, савдо шохобчалари ва марказлари, аҳоли учун уй-жойлар ва бошқа маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. Айни вақтда шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

* * *

Фарғонада халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими А.Отабоев шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар жорий йил давомида вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида талайгина ишлар амалга оширилганини қайд этдилар. Жумладан, деҳқонлар 280 минг тонна дон етиштирдилар, 363 минг тонналик "оқ олтин" хирмони уйилди. Шунингдек, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут етиштиришда ҳам ижобий натижалар қўлга киритилди.

Айни вақтда кўпгина ҳолларда дон, пахта етиштириш борасида оилавий ижарачилар билан тузилган шартномалар бажарилмай қолди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 14 миллиард сўмга ортган бўлса-да, 14 та саноат тармоғида маҳсулот ҳажми камайишига йўл қўйилди.

Сессияда капитал маблағларни самарали ўзлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда экспортбоп маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси У. Мингбоев бошқарди.

Пленумда «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида», «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида», «Ворислик ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги ва бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди.

Биринчи масала юзасидан Олий суд раиси У. Мингбоев маъруза қилди.

Унда таъкидланганидек, республика Олий суди, жиноий жазо тайинлаш амалиётига ўта масъулият билан қараб келмоқда. 1994, 1996 ва 1999 йилларда республика Олий суди пленуми жиноий жазога доир қарорларни қабул қилди.

Ушбу қарорларда акс этган дастурий кўрсатмалар судлар томонидан асосан тўғри амалга оширилмоқда. Аммо баъзи ҳолларда суд амалиётида жазо тайинлашнинг мақсади ва моҳияти нимага қаратилганлиги очиб берилмаяпти. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, айрим судларимиз ҳамон жазо белгилаш масаласида пала-партишликка йўл қўймоқда. Шу боис республика Олий суди ушбу ўта муҳим масалага яна бир бор қайтишни мақсадга мувофиқ деб топди. Ҳолбуки, жазо одилона, жиноятнинг оғирлигига, унинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши шарт. Президентимиз уқтирганларидек, судлар жазоловчи эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айланмоғи керак.

Музокарада сўзга чиққанлар пленум муҳокамасига қўйилган масалалар ўта долзарблигини, одил судловни амалга ошириш, суд ҳокимиятини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўз мухбиримиз.

"ВАТАНПАРВАР" ВА ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгашининг пленуми бўлди. Уни кенгаш раиси, полковник А.Абдуқаҳҳоров бошқарди.

Пленумда бугунги кун талаблари асосида "Ватанпарвар" тизимида оммавий-ташкилий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи тадбирларини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда ташкилот фаолиятига тааллуқли қонун ва қарорлар, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Қуролли Кучлари салоҳиятини ошириш борасидаги кўрсатмалари ҳамда Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаати талабларини бажариш "Ватанпарвар" ташкилоти олдида турган бирламчи вазифалардир.

Қуролли Кучлар сафига чақириладиган ёшларнинг рўйхатга олинишидан тортиб, то ҳарбий хизматга юборилгунларига қадар уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида зарур тадбирларни изчиллик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис барча ташкилотларда "Маънавият ва маърифат" хоналарини замон талаби асосида жиҳозлаш, уруш ва меҳнат фахрийлари, фан ва маданият вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари билан мунтазам равишда турли учрашувлар ўтказиш, долзарб мавзуларда давра суҳбатлари уюштириш, ҳарбий қисмлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Пленумда Марказий кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари раисларига ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада яхшилашда улар орасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда барча турдаги оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш тавсия этилди.

(ЎзА)

77 МИЛЛИОН СЎМЛИК ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларига ҳомийлик ёрдами кўрсатишда тадбиркорларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Чунончи, "Ёнбоштут" фермер хўжалиги раиси Асад Убайдуллаев "Кўкбулоқ" ширкат хўжалиги ҳудудидаги А.Набиев номидаги мактаб биносини шахсий маблағи ҳисобидан газлаштириб берди. Қишлоқ тадбиркори мазкур ишга 250 минг сўм пул сарфлади.

Туманда бундай бағри кенг, саховатпеша тадбиркорлар кўплаб топилади. Биргина якунланаётган йилнинг ўзида тумандаги хўжаликлар, фермерлар, тадбиркорлар ва собиқ ўқувчилар томонидан оталиқ ёрдами сифатида 77 миллион сўмлик маблағ эвазига бир қатор илм даргоҳлари таъмирдан чиқарилди.

Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири

Мамлакатимизда

100 миллион долларлик маҳсулот

«ДЭУ Текстайл» компаниясининг Тошлоқ туманидаги ип-йигирув корхонаси келгуси асрни ўзига хос туҳфа билан қарши олмоқда. Корхона ишга туширилган уч йил мобайнида чет эллик тўқимачиларга, мамлакатимиздаги енгил саноат жамоаларига 100 миллион долларлик жаҳон андозаларига мос сифатли ип етказиб берди.

Маълумки, корхона тўлиқ Жанубий кореялик сармоядорлар маблағи ҳисобига бунёд этилган. Кун чиқар мамлакатидаги тўқимачилар уни қайта қуриш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун 58,6 миллион долларлик инвестиция сарфлашган эди. Қисқа муддат ичида бу маблағ тўлиқ копланди. Тошлоқда йигирилган ва эшилган иплар Германия, Англия, Италия, АҚШ, Голландия, Белгия, Япония сингари ўнга яқин мамлакатлар тўқимачиларига етказиб беріляпти.

«Маданият»да янги корхона

Бухоро мактабларининг ўқувчилари, болалар боғчаларининг тарбияланувчилари «Маданият» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган пишлоқ, сарёғ, қаймоқ каби 8 хил маҳсулотнинг сифатини юқори баҳолашмоқда. Ҳар куни аҳоли ва фермерлардан 1-1,5 тонна сут қабул қилиб олиб, қайта ишланаётир.

Бухоро туманидаги бу илғор хўжалик «Барака лизинг» компаниясининг воситачилигида Исроилдан энг замонавий сутни қайта ишлаш технологиясини сотиб олди. У кунига 6 тоннагача хомашёни қайта ишлаш қувватига эга. Қишлоқда янги иш жойлари очилганлигини айтмайсизми!

Ишга жойлашмоқчимисиз, марҳамат

Бўзатов, Қораўзак, Элликқалъа туманларида янги иш жойларининг ярмаркаси ўтказилди. Юзлаб ишсизлар таклиф қилинган корхоналар, хўжаликлар ва фермерларда меҳнат фаолиятини бошлаб юборишди.

Биргина Тахиатошда аҳолига 77 янги иш ўрни таклиф қилинди. Уларнинг хусусияти билан яқиндан таништирилган 57 йигит-қиз муқим ишлашга ўтди. Касб эгаллаш иштиёқидаги ўн қиз эса «Барс» хусусий фирмасига йўлланма олди.

Жума хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Туристик поезд йўлга чиқди

«Ўзбекистон» туристик поездининг илк сафари йўловчиларга завқ-шавқ бахш этди. Тошкент темирйўл вокзалидан йўлга чиққан бу поездга тушган туристлар кўҳна ва гўзал Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига етиб бориб, қадимий обидаларни, диққатга сазовар жойларни томоша қилдилар.

Ушбу туристик поезднинг ташкил этилишидан кўзланган мақсад Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳатлар уюштиришдан иборат. Бундай кўнгилочар тадбирлар билан «Чотқол» туристик фирмаси бевосита шуғулланади.

Темир йўл бўйлаб саёҳатларни ташкил этишда «Роҳат» ва «Дилором» туристик поездларидан ҳам фойдаланилади. Сайёҳларга қулайлик туғдириш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Урганч ва бошқа темир йўл бекатларида туристик ўриндиқлар ўрнатилади.

Пойтахтда

Курраи заминда

Германия канцлерининг эътирофи

Европа Иттифоқининг яқинда Ниццада ўтган саммити Европада интеграция жараёнини фаоллаштиришда катта аҳамият касб этади, деди Германия канцлери Герҳард Шрёдер. Унинг айтишича, айниқса, саммит Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг ЕИга тезроқ кириши учун катта имконият яратгани билан эътиборлидир. Шунингдек, учрашувда тортишувларга сабаб бўлаётган кўплаб масалалар ҳам ҳал қилинди.

Музокаралар ўтказишга чақирди

Мухолифатдаги Шри-Ланка миллий бирлиги партияси ҳукуматни "Тамил илама" озодлик йўлбарслари" айирмачи гуруҳи билан тинчлик музокаралари ўтказишга чақирди. Халқаро ҳамжамият, айниқса, донор давлатлар Шри-Ланкадаги айни вазиятни катта эътибор билан кузатиб турибди. Можаронинг янада кескинлашуви мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий сармоя ҳажми баттар камайишига олиб келиши мумкин, деди партия раҳбарларидан бири.

Қўриқлаш янада кучайтирилди

НАТО расмий вакили Франко Велтри Шимолий альянс ва АҚШнинг Италиядаги ҳарбий базаларини қўриқлаш янада кучайтирилганини билдирди. Европа жанубида аксилальянс кайфияти кучаймоқда. Айниқса, янги йил арафасида кутилмаган қўпорувчилик ҳаракатлари ҳам содир бўлиши мумкин, деди Ф.Велтри.

БМТ қоидаларига амал қилади

Покистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг "Толибон" ҳаракатига нисбатан халқаро иқтисодий жазони кучайтириш ҳақидаги резолюциясига амал қилиши тайин, деди мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили. Унинг айтишича, бундай жазодан Покистон иқтисодиёти катта зарар кўрса-да, расмий Исломобод БМТ қоидаларига зид иш қилиш ниятида эмас.

Ерга қараганга эл қарайди

Бектурди ЖУМАНИЁЗОВ
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Бу кунларга етгунча кўп алам-ситамларни кўрдик. Номимизни бригадир қўйиб, беқадр ишлаб юраверибмиз. Янги йил келишини қиш баҳона озгина дам олиш, дағдағалардан қутилиш учун ҳам кутар эдик. Центнерларни оширамиз, деб уринсак ҳам қадримиз ошмаган.

Худога минг шукрки, энди қадру қимматимизнинг баҳоси ҳам, чегараси ҳам йўқ. Эркимиз ўз қўлимизда. Ерга қараганга эл ҳам қарайди. Экинимиз кўкарса, кўнглимиз ўсади. Шу ер ўзимизники, мулк ўзимизники, деган ишонч бор. Улар бола-чақаларимизга қолади.

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини яхшилаб эшитдим, қайта-қайта ўқидим. Дим керак гап бўлибди. У бутун халқимизни роҳатлантириб юборди. Янги йилни кўтаринки руҳ билан бошласак, иншоолло, кам бўлмаймиз.

Мурожаатдаги «Ўзбекистон — Оллоҳ назар қилган диёр» деган сўзлар айни ҳақиқат. Яна қаерда шундай диёр бор экан? Биз каби оддий деҳқонники ўзининг қаҳрамони мартабасига кўтарган халқ яна қайда бор? Бу диёр ва халқ ҳар бир фуқаросини ҳам қаҳрамон қилишга қодир.

Янги аср юртимизда қаҳрамонликлар, фидокорликлар асри бўлади. Унда ёшлар ибрат кўрсатадилар. Биз, кексалар эса юртимизнинг халқимизнинг бахтига, тахтига суяниб қарилик гаштини сурамиз. Қўлимиздан келгунча илму тажрибаларимизни фарзандларимизга ўргатамиз. Ниятим шуки, Ватанимизда меҳнат қаҳрамонлари кўпайсин-у, уруш қаҳрамонлари бўлмасин. Бунёдкор меҳнат, ободлик, фаровонлик, осойишталик, тинчлик заминимизда ҳамиша барқарор бўлсин.

Қойил қолмай иложингиз йўқ!

Сиз XXI асрдан нималар кутаяпсиз, деб сўрашди мендан. Даставвал, хаёлимга шундай фикр келди: ўзбек кураши жаҳоний шуҳрати бўйича футбол билан тенглашади, Олимпиада ўйинларида энг кўп мухлис тўплайдиган спорт тури ҳам кураш бўлади.

Нима? «Йўғе» дейсизми? Унда сизга бир-икки гапларни айтаман, қойил қолмай иложингиз йўқ.

Хабарингиз бор, яқинда Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун ўзбек курашининг хориждаги барча фидойилари пойтахтимизга келишди. Улардан бири, Африка кураш конфедерацияси президенти Андре Френч жаноблари нима деди денг? Эшитинг, бўлмаса:

— Кураш ўзбекларнинг қон-қонига сингиб кетганини биламан. Мен курашни севиб қолдим. Келинглар, сиз билан биз дунёда кураш тарғиботининг оммавийлигини оширишга аҳд қилган эканмиз, ҳаммамиз фамилиямизни бир хил қилайлик: Комил Кураш, Андре Кураш, Жагдеш Кураш... Чунки бундай таъсирли тарғибот кураш яшаётганининг, ривожланаётганининг амалдаги ифодасидир. Фамилиямизни ўқиган киши ХКАдан — бир оиладан эканлигимизни дарров англайди.

Тўғрисини айтинг, ўзбек кураши ҳақида шу қадар жонкуярлик, фидойилик қилаётган киши Жанубий Африка Республикасидан эканлигига қойил эмасмисиз? Эътиборли томони, Андре Френч нафақат ўз мамлакатида, балки Африка қитъасидаги энг таниқли шахслардан ҳисобланади.

— Яқин-яқинларгача биз собиқ СССР ҳудудида қандай одамлар яшаши ҳақида тасаввуримиз йўқ эди, — давом этди А.Френч. — Лекин шу кураш туфайли, Ўзбекистонга келгандан кейин фикримиз бутунлай ўзгарди. Айниқса, мана, кеча ўзбек тарихчилари билан учрашувда халқингиз ва кураш тарихи неча-неча минг йилларга бориб тақалиши далилий ашёлар асосида исботланганда ўзимни жуда кичкина одамдай ҳис қилдим. Чунки менинг мамлакатим тарихи 600-700 йилдан ошмайди. Мен фарзандларимнинг Ўзбекистонда ўсиб улғайиши, таълим олишини жуда-жуда истардим.

Хўш, бундай самимий эътирофдан ҳар қанча ғурурлансак арзийдими, ахир? Агар ҳали ҳам қойил қолмаган бўлсангиз, мисол келтиришда давом этаман.

— Ҳали кўрасизлар, бутун дунё жамоатчилиги ўзбек халқига курашдек гўзал спорт турини асрлар давомида сақлаб, авайлаб, даврлар талотўпларидан эсон-омон олиб ўтиб жаҳонга тақдим этгани учун миннатдорчилик билдиради, — деди Осиё кураш конфедерацияси президенти, Ҳиндистон дзюдо федерацияси президенти, ушбу мамлакат парламенти аъзоси Жагдеш Татлэр. — Ишонч билан бундай дейишимнинг боиси, кураш мухлисларни жуда тез ўзига жалб қилувчи спорт тури. Шунинг учун унинг дунёдаги оммавийлиги кун сайин ошиб бормоқда. Тошкентда, Шаҳрисабзда, Термизда бўлиб ўтган мусобақаларга футбол стадионлари ҳам торлик қилганини эсланг. Яқин йилларда бошқа мамлакатлардаги турнирлар, чемпионатлар ҳам шундай тус олиши, шубҳасиз. Мана, масалан, Ҳиндистонда ҳозирнинг ўзида кураш тарғиботи ва ривожи билан шуғулланувчи 5 та ташкилот, 600 дан ортиқ тўгарак фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг ҳаммаси алоҳида бино, транспорт, замонавий алоқа воситалари ва компьютерлар билан жиҳозланган.

Энди қойилмисиз. Ахир дунёга чиққанига бор-йўғи икки йил бўлган курашга эътибор бўлса, шунчалик бўлади-да. Ўзбек кураши дунёга юз тутганидан сўнг орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Япония (эслаб қолинг, дзюдо ватани-я) кураш бўйича миллий чемпионатини ўтказди. Унинг ташкилотчиси жаноб Хидео Камага ҳар бир мусобақада фотоальбом тайёрлайди ва қатнашчиларга тарқатади.

Оддий савол туғилади: уни бунга нима мажбур этаяпти? Ҳеч нарса. Бу фақат курашга ташна меҳрнинг амалдаги ифодаси, холос. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам кураш меҳр-муҳаббат, мардлик, биродарлик, инсонийликка чорлайди.

Хўш, бугун нима учун яна бир бор курашдан сўз очдик. Чунки у халқаро жамоатчилик томонидан XXI аср спорти деб тан олинмоқда. Қаранг, кураш — энг қадимий спорт тури. Кураш — янги аср спорти. Кураш — ўзбекнинг спорти, ғурури.

Тасаввур қилинг: боринг, ана 2012 йил дейин. Навбатдаги Олимпиада ўйинлари. Энг кўп спортчи қатнашаётган, энг кўп мухлис иштирок этаётган мусобақа — кураш. Мен янги асрдан ана шуни кутаяпман.

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхонликлар саховати

Айни кунларда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Қорақамиш» универсал бозори ҳар қачонгидан кўра харидорлар билан гавжум. Боиси бу ерда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар раҳбарияти ҳамкорлигида савдо ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Унда Сурхондарё вилоят бозорлар бирлашмасига тегишли тумандардаги тармоқларидан келтирилган арзон нархдаги мева-сабзавот ва бошқа турли ноз-неъматлар савдога қўйилган.

— Кўп йиллардан буён Собир Раҳимов туманида савдо ярмаркаларини ўтказиб келамиз, — дейди бирлашма раҳбари Суюн Жумаев. — Бу йил ҳам 320 тонна маҳсулот олиб келиш режалаштирилган эди. Шундан 170 тоннаси етказиб келинди. Бундай тадбирлар ҳали давом этаверади.

Ушбу тадбирни кузатар эканмиз, савдо қизиётгани бизни қувонтирди. Жарқўрғон, Денов, Ангор, Шеробод, Термиз шаҳри савдо вакиллари хизмати эса таҳсинга сазовордир. Ярмарка 31 декабргача давом этади.

СУРАТЛАРДА: савдо ярмаркасидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Бизнинг шарҳ

Оқ уйга кимлар келади?



Маъумки, бундан тўққиз кун аввал АҚШ президентлигига номзод Альберт Гор ўз рақиби кичик Жорж Буш ғалабасини тан олганлигини билдирган эди. Аммо Ж. Бушнинг ўтказилган сайловда расман ғолиб чиққанлиги шу ҳафта бошидагина эълон қилинди. Мамлакат сайловчилар ҳайъати худди ана шундай қарор қабул қилиб, сайлов жараёнига нуқта қўйди. Одатда, сайловчилар ҳайъати аъзолари халқ кўпроқ овоз берган номзодни қўллаб-қувватлайди. Лекин ҳайъат аъзолари тўсатдан бошқа номзодни, яъни, А. Горни ёқлаб юбориши ҳам мумкин эди. Шу боис, кўпчилик АҚШ тарихида бундай кутилмаган воқеалар бўлиб ўтганини назарда тутиб, бироз хавотирга ҳам тушдилар. Бироқ сайловчилар ҳайъати мажлисида кескин бурилиш юз бермади. Шундай қилиб, АҚШнинг 43-президенти этиб кичик Жорж Буш, вице-президент лавозимига эса Ричард Чейни сайланди.

1787 йилда қабул қилинган ва 20 дан ортиқроқ ўзгаришлар билан ҳозиргача амалда бўлган АҚШ Конституциясига мувофиқ, Америка президенти ҳар тўрт йилда, ноябрнинг сешанбасида бўладиган сайловда бевосита аҳоли томонидан сайланади ва ғолиб чиққан номзод кейинги йилнинг 20 январидан бошлаб ўз ваколатини бажаришга киришади. Сайловдан 20 январгача бўлган вақт янги президент янги ҳукуматни тузиш ва ўз фаолиятини бошлашга етарлича тайёргарлик кўриш учун берилади.

Тўғри, бу гал икки номзод ўртасида давом этган беш ҳафталик даҳанаки жанглару кутилмаган машмашалар ушбу муддатни бироз қисқартирди. Лекин шунга қарамай Ж. Буш янги ҳукуматнинг энг нуфузли ва муҳим лавозимларига ўзининг ишончига сазовор бўлганларни тайинлашга улгурди. Яқинда у 63 ёшли генерал Колин Пауэлни АҚШнинг Давлат котиби этиб тайинлашини эълон қилди. Ҳали ушбу лавозимга тайинланмасдан аввал ҳам К. Пауэл сиёсатдонлар зикрида истеъдодли саналар эди.

Ҳаётининг 35 йилини ҳарбий ишларга сарфлаган генерал учун 1989 йилда унутилмас воқеа юз берди. У ўшанда мамлакат Қуролли кучлари штаблари бошлиқлари қўмитаси раиси лавозимига тайинланди. Шу билан бирга генерал Пауэл Форс кўрфазидаги уруш вақтида АҚШ қўшинларига раҳбарлик қилган. Бу даврда у ҳарбий доктрина ҳам ишлаб чиқди. Дарвоқе, унинг сиёсий арбоблар назарига тушишига айни ана шу доктрина кўпроқ сабаб бўлган, дейиш мумкин. Тайёрланган мазкур ҳужжатнинг асосий йўналишларидан бири шуки, ташқи можароларга ҳарбий аралашув АҚШнинг ўта муҳим манфаатларига жавоб бериши, яъни «Етти ўлчаб, бир кес» қабилида сиёсат юритиши лозим.

Шу ўринда янги Давлат котиби ташқи сиёсатда янада аниқроқ қандай йўл тутиши кўпчиликда қизиқиш уйғотиши, табиий. Чунки АҚШдек қудратли давлат қай йўсинда ташқи сиёсат юритиши кўп жиҳатдан Давлат котибига ҳам боғлиқ бўлади. Бу ҳақда тўхталган Колин Пауэл, аввало, АҚШ ракетадан мудофаа миллий тизимини яратиш режасидан воз кечмаслигини билдирди. Бу йўл Россия ва Хитойга хуш келмаслигини билган генерал ушбу давлатлар билан айни масала юзасидан якдил фикрга келиш учун ҳаракат қилажагини ҳам айтди. Шунингдек, янги ҳукуматни Яқин Шарқ можаролари ҳам кўпроқ қизиқтириши аёнлашди. Бўлажак Давлат котибининг айтишича, АҚШ Яқин Шарқда бундан кейин ҳам Исроил озодлиги, тинчлиги ва яхлитлигига қаратилган сиёсатни давом эттираверади.

Хўш, Ж. Буш маъмурияти Ироққа нисбатан қандай сиёсат юритади? Бу ҳам генерал Пауэлнинг эътиборидан четда қолмади. Унинг таъкидлашича, Оқ уй мазкур мамлакатга нисбатан қўлланилаётган жазо чораларини қўллашда қатъий туради.

Янги ҳукуматнинг яна бир янги аъзоси бу — Кондолиза Райсдир. Жорж Бушнинг отаси президентлиги даврида Оқ уйда фаолият кўрсатган 46 ёшли ушбу хоним миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимига лойиқ деб топилди. Шу тариқа сиёсат қозонида обдон қайнаган Райс хоним АҚШ янги маъмуриятида генерал Пауэлдан сўнг қора танли иккинчи мулозим сифатида фаолият кўрсатади. Шунингдек, АҚШ президенти келиб чиқиши лотин америкалик бўлган судья А. Гонсалесни Оқ уйнинг катта ҳуқуқий маслаҳатчиси, машҳур иқтисодчи Пол Ониэлни мамлакат молия вазири, 54 ёшли Дон Эвансни эса савдо вазири этиб тайинлади. Бушнинг фикрича, кўп ишлаш ва тўғри қарор қабул қилиш янги тайинланишларнинг асосий мезонидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, гарчи ушбу янги вазифалар Оқ уйнинг янги соҳиби томонидан тақсимланаётган бўлса-да, бироқ мазкур номзодлар Сенат тасдиғидан бирма-бир ўтиши лозим. Бироқ нима бўлганда ҳам генерал Пауэлга ҳам, Райс хонимга ҳам ва ҳатто судья Гонсалесга ҳам янги лавозим насиб этишига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Нега? Чунки АҚШ парламентининг ҳар иккала палатасида республикачилар демократларга нисбатан кўпчилик овозга эга. Модомики шундай экан, Сенатдаги ҳукумат аъзоларининг тасдиқланиш жараёни шунчаки рамзий маъно касб этиши мумкин.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшларни кутубхоналарга жалб қила оламизми?

Анжуман

Кеча ўз ишини якунлаган «Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва сингдиришда кутубхоналарнинг ўрни ва вазифалари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани икки кун давом этди. Унда кутубхоначиликнинг қатор муаммолари хусусида маърузалар, музокаралар, фикр олишувлар бўлиб ўтди. Айниқса, «Оммавий кутубхоналар», «Кутубхоналарда ёшлар билан ишлаш», «Илмий ва ўқув юртлари кутубхоналари» шўъбаларидаги турли мавзуда ўтган давра суҳбатлари анжуман иштирокчиларининг диллардаги эзгу истакларини очиқ-ойдин айтишга, ҳамкасблар билан мулоқот қилишга кенг имконият яратди. Бироқ анжуманнинг асосий мавзуи бугунги кунда ёшларга миллий истиқлол ғоясини сингдиришда кутубхоналарнинг ўрни қандай бўлиши керак, кутубхоналар йигит-қизларни эркин фикрлашга ўргатувчи маскан бўла оладими, ёшларни бундай зиё тарқатувчи жойларга кўпроқ жалб қилиш учун яна нималарга эътибор бериш лозим, деган баҳсталаб масалалар бўлди. Ялпи мажлисда қатнашган маърузачилар бу хусусда атрофлича фикр юритдилар.

Васила КАРИМОВА — психология фанлари доктори, профессор:

— Олий ўқув юртида олган билимларимни кутубхоналарсиз тасаввур қила олмайман. Назаримда, мен тенгиларнинг кўпи шундай ўйлайди. Домлаларимиз айтган адабиётларни қидириб топиб, у билан танишмагунча хотиржам бўла олмасдик. Чунки китоб нафақат билим манбаи, балки у инсон учун кўтаринки руҳ, ёқимли кайфият беришини ҳам ҳис қилардик. Биз, талабалар, кутубхоналарга ошиқардик. У ердаги психологик омиллар — шароитдан тортиб, зарур адабиётлару ҳатто кутубхоначиларнинг муомаласигача бизни ўзига тортарди. Менимча, бугунги кунда зиё масканларига ёшларни жалб қилишда, майда-чуйда кўринса-да, аввало, ана шундай омилларни яратиш лозим. Янги аср глобал ахборотлар асри бўлиши ҳозирданоқ сезилмоқда. Шу маънода бундай долзарб, муҳим оқимни ёшлар замонавий техника, технологиялар билан таъминланган кутубхоналардан олиши шубҳасиз. Шу боис олий ўқув юртларининг ҳатто ҳар бир факультетида ўз кутубхоналари очилса, ёшлар китобхонлик «дарди»га мубтало бўлса, муродимиз ҳосил бўларди.

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ — педагогика фанлари доктори:

— Миллий истиқлол ғояси тарғиботида зиё масканлари, хусусан китобнинг ўрни беқиёс. Кўп кузатаман. Бугунги кунда миллатнинг энг илғор ёшлари кутубхонага келади. Китоб мутолаа қилади. Улар ўз хоҳиши билан, билим олиш ниятида зарур адабиётни қидириб топади, ундан фойдаланади. Чунки радио, телевидение орқали тарқаладиган хабар, воқеа тафсилотларини тўлалигича китобдан олиш, уни қалбда қайта кашф этиш мумкинлигини яхши англайдилар. Ҳозир «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи бўйича олий ўқув юртларида янги йилдан бошлаб махсус машғулотлар ўтиш учун тайёргарлик кўриляпти. Бундай тайёргарлик ишларини, биз, аввало, кутубхоналарда амалга оширсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Дейлик, рисоладаги янги терминларни тушунтириш, мақсадида кўрсаткичлар тайёрланса. Мафкуравий полигонлар ҳақида фотокўргазмалар ташкил этилса. Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда булар муҳим омил бўлади.

Анжуманда миллий истиқлол ғояси ва кутубхоналар фаолияти билан боғлиқ қатор муаммолар хусусида баҳслар бўлиб ўтди. Библиографик маълумотларни яхши йўлга қўйиш, республикадаги мавжуд кутубхоналар билан алоқани мустаҳкамлаш, кутубхоначи кадрларни тайёрлаш лозимлиги уқтирилди. Иштирокчилар алоҳида таъкидлаганларидек, анжуман республикада кутубхоначилик ишларининг ривожида яхши бир сабоқ бўлди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тажриба алмашилди

Қандли ва қандсиз диабет ҳамда эндокринологик хасталик билан оғриганлар дунё миқёсида кўпайиб бораётгани кузатилмоқда. Бундай хасталар йилига 5-7 фоиз ортаётир. У Ўрта Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Катта ёшдаги аҳолининг 2 фоизи қонида қанд моддаси ортиб кетганлигидан изтиробда. Организмда йод микроэлементи етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган бўқоқ ёки қалқонсимон без касаллигининг ташвишлари ҳам бундан оз эмас.

Ҳар икки хасталикнинг олдини олиш ва даволашни пухта йўлга қўйиш жаҳон эндокринологлари олдида долзарб вазифалигича қолмоқда. Шу боисдан ҳам Наманганда бўлиб ўтган «Эндокрин касалликларининг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» мавзуида халқаро илмий-амалий анжумани иштирокчилари жаҳон мамлакатларида бу борада орттирилган тажрибалар хусусидаги мутахассисларнинг маърузаларини қизиқиш билан тингладилар.

Уч кун давом этган халқаро анжуман қатнашчилари Наманган вилоятида тиббий ислоҳотларнинг бориши билан танишдилар. Шу кунлари қайта таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган вилоят эндокринология маркази тантанали равишда очилди. Беморлар малакали тиббий ёрдам олишлари учун яратилган шарт-шароитлар, хориждан келтирилган энг замонавий ташхис ва даволаш ускуналари, шифокорлар тажриба ва малакаларини тинмай ошириб бораётганликларини меҳмонлар юқори баҳолашди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● Маънавий бойликнинг баҳоси йўқ

Иш бошида, даланинг ўзида

газета ўқишнинг гашти ўзгача, — дейишади каттақўрғонлик фермерлар

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳали қиш чиқиб, баҳор кириб улгурмаган пайтлар. Ана шундай кунларда таҳририятимизга шикоят хати йўллаган бир неча каттақўрғонлик фермерлар билан дала бошида учрашдим.

— «Халқ сўзи»га ихлосим баланд, — гап бошлади «Самарқанд» фермер хўжалиги раиси Исоқ Холов. — Газета ҳамиша адолат томонида. Асосийси, мамлакатимиздаги муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жабҳадаги янгиликлар энг аввал шу нашр орқали эълон қилинади. Мана, — қўлидаги газетага ишора қилди у, — республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. Унда Юртбошимиз фермерларга алоҳида эътибор қаратган. «Чинакам фермер узоқ муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак», — деган жумланинг ўзи фермерга билдирилган юксак ишонч эмасми?

— Тўғриси, — яна давом этди Исоқ Холов. — «Халқ сўзи»да айнан шундай мавзуларга оид кўплаб мақолалар эълон қилинадики, улардан нафақат маънавий озиқ оласан, балки иш фаолиятингни ташкил этишда ҳам фойдаланасан. Шу туфайли мен «Халқ сўзи»га обуна бўлдим.

Ҳа, Каттақўрғон туманида «Халқ сўзи» ихлосмандлари сони кескин ошаяпти. Шу пайтга қадар эса бу ерда обуначилар саноқли эди. Ноябр ойи тугамасдан 2001 йил учун туманда «Халқ сўзи»га ёзилган муштарийлар 100 дан ошди.

— Ҳозиргача фермерларимиздан 20 нафари республикамиз бош нашрига обуна бўлди, — дейди туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги раҳбари Зикрилла Искандаров. — Ҳали бу кўрсаткич яна ошади. Биз газетадаги айрим мақолаларни кўпинча биргаликда муҳокама қиламиз. Шу йилнинг март ойида чоп этилган «Фермер нега хуноб?» мақоласи айнан бизнинг фаолиятимиз хусусида бўлиб, у ишимизнинг ижобий томонга силжишида катта ёрдам берди. Демак, доимо ҳақ сўзни айтиб келаётган «Халқ сўзи» фермерларимизнинг яқин дўсти, яқин маслаҳатчисидир.

Айни пайтда каттақўрғонлик фермерлар ихтиёрида 4300 гектар ер бор. Бу майдонларда улар пахтачилик, ғаллачиликни ривожлантиришаяпти. Полиз экинлари ва сабзавотдан ҳам мўл ҳосил олинаяпти. Чорва молларини кўпайтириш борасида амалий ишлар қилинаяпти. Асосийси, фермерлар кўплаб ташландиқ, мелиоратив ҳолати ноқулай жойларни унумдор ерларга айлантиришаяпти. Ишлаб топилаётган фойданинг бир қисмини ижтимоий муаммолар ечимига, хайрия ишларига сарфлашаяпти. Иш бошида, даланинг ўзида газета ўқишни, у орқали янгиликлар билан танишишни эса улар чинакамига маънавий озуқа олиш, деб билишади.

Соғлом муҳит — соғлом авлод

Экологик маданият — соғлом авлодни шакллантиришнинг муҳим омилидир. Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида бўлиб ўтган илмий-назарий конференция иштирокчилари шу мавзуда фикр юритдилар.

Конференцияда Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфти, «Экосан» Тошкент клуби аъзоси Абдурашид қори Баҳромов диний уламоларнинг соғлом авлодни тарбиялашдаги ўрни ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар инсон ва табиат муносабатларини мувофиқлаштириш, юксак экологик маданиятни шакллантириш вазифасининг долзарблигини таъкидладилар.

Д. ТУРҒУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

● Биз танлаган йўл

Оққан дарё оқаверади

Тарих буюк тарбиячи, вақт эса олий ҳакамдир. Кейинги ўн йилга яқин вақтни Ўзбек давлатчилиги ва унинг XXI асрдаги келажагининг мустаҳкам пойдевори яратилган тарихий давр сифатида қараш айни ҳақиқатдир.

Инсоният ҳар юз ва минг йилда бир марта рўй берадиган янги аср ва янги минг йилликка кириш каби тарихий воқеанинг шоҳиди бўлиш арафасида турибди. Маълумки, бундай пайтларда ҳар бир миллат, халқ ва давлат шу ўтган давр ичида ўзининг эришган ютуқларини сарҳисоб қилиб, келажак режаларини тузади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, жаҳон харитасида янги давлат сифатида пайдо бўлган Ўзбекистон тугаётган XX асрни қандай кузатмоқда, учинчи мингйилликнинг биринчи асри бўлган XXI асрга нималар билан кирмоқда ва бу янги асрда унинг келажаги, ўрни қандай бўлади, деган саволлар ўз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни ўйлантирмоғи аниқ. Дарҳақиқат, Ўзбекистон шу ўтган даврда ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маънавий соҳаларида нималарга эришди ва келгуси асрда уни қандай истиқбол кутмоқда?

Гапни иқтисодий соҳадан бошласак, Ўзбекистоннинг XX асрдаги 73 йиллик ҳаёти маъмурий-буйруқбозликка асосланган совет тизими ҳукм сурган даврларга тўғри келди. Собиқ иттифоқ тарқалганидан кейин, 1991 йилнинг 31 августида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни Мустақил давлат деб эълон қилди.

Ватанимиз истиқлолининг илк кунларини эсласак, кўз ўнгимизда қуйидаги манзара намоён бўлади. Бошқаруви маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган, ишлаб чиқариши "миқдор", "ҳажм" учун амалга оширилган собиқ иттифоқ давлатидан бизга иқтисодиёти сунъий равишда бир томонлама ривожлантирилган, такрор ишлаб чиқаришнинг тўрт босқичидан фақат биргина, яъни хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, республиканинг асосий маҳсулоти ҳисобланган пахта, ипак, нефть, газ, нодир ва рангли металларнинг 90 фоизи хомашё тарзида четга жўнатиладиган оқсоқ тизим мерос қолди. Бунинг оқибати ўлароқ, тадбиркорлик ва ташаббускорлик бўғиб қўйилган, ҳақ тўлаш тизимидаги тенглаштириш ва энг аянчлиси, инсонга ўз ақлий ва жисмоний қобилиятини тўлиқ намоён этишга йўл бермайдиган, лекин ҳали жон таслим қилиши қийин кечадиган режали иқтисодиёт тизими бизга рўпара турар эди.

Шундай қилиб, Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган сана, бир томондан халқимизнинг энг саодатли куни деб ҳисобланса, иккинчи томондан шу кундан эътиборан дунё аҳли олдида ўзбек халқи ўзининг миллий ғурури, шон-шавкати, ор-номуси ва таъбир жоиз бўлса, обрўсини гаровга ҳам қўйган эди. Зеро, ўша кундан бутун жаҳон аҳлининг синовчан нигоҳи бизга қаратилгани сир эмас.

Ўзбеклар давлатининг мустақиллигини сақлай оладими, иқтисодиётидаги 73 йил давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг уддасидан чиқадими?

Дарҳақиқат, бундай мураккаб саволларга қисқа вақт ичида жавоб топиш, топганда ҳам энг тўғрисини топиш бир томондан энг машаққатли ва энг фахрли вазифа бўлса, иккинчи томондан эса улкан масъулият эди. Бу вазифа ва масъулиятнинг залвори шунчалар оғир, шунчалар шарафли эдики, у Миллат, Халқ, Ватан тақдири ва келажаги билан бевосита боғлиқ эди.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётни шакллантириш жараёнини амалда, ишлаб чиқариш фақат бир томонлама ривожлантирилган, халқ хўжалигининг деярли барча соҳалари ва тармоқлари диспропорция ҳолатида бўлган шароитда бошлади.

Миллий иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш учун иқтисодиётдаги мавжуд муаммоларнинг илдизини чуқур таҳлил қилиш зарурати юзага чиқди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, иқтисодиётдаги бундай номутаносиблик, бир томондан, узоқ йиллар давомида амал қилган, буйруқбозликка асосланган совет тизими учун характерли бўлган, ишлаб чиқариш воситаларининг устун даражада ишлаб чиқарилиши, эҳтиёжларни реал ўрганишнинг иқтисодий усуллари йўқлиги, иккинчи томондан, иттифоқдош республикаларнинг иқтисодиёти умумиттифоқ халқ хўжалиги мажмуининг "қўшимчаси" сифатида ривожлантирилганлигига бориб тақалди. Халқ хўжалигининг макро ва микро даражадаги пропорциялари ягона марказдан туриб режалаштирилганлиги, баъзи социал-иқтисодий пропорциялар совет идеологиясига мос келмаганлиги сабабли, умуман ҳисобга олинмаганлиги аниқланди.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш тактикаси ва стратегияси ҳамда тамойиллари ишлаб чиқилди. Қисқа вақт ичида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, очиқ ташқи сиёсат юритувчи демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш асосий мақсадимиз эканлигини жаҳон аҳлига баралла эълон қилдик. Сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, тадрижий йўл билан, яъни босқичма-босқич маданиятли тараққиётга ўтиш — танлаб олган йўлимизнинг асосий мазмуни ва моҳияти сифатида белгиланди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида халқ хўжалигидаги бузилган мутаносибликни тиклаш, ишлаб чиқаришнинг пасайиш тенденциясини тўхтатиш, узилган хўжалик алоқаларини боғлаш, жаҳон иқтисодиётига тенг ҳуқуқли субъект сифатида қўшилиш каби муаммоларни ҳал этиш давлатимиз раҳбарияти олдида турган энг долзарб муаммолар эди. Бу муаммоларни ҳал этиш борасида кейинги ўн йилда чинакам маънода асрга татигулик ишлар амалга оширилди.

Барча саъй-ҳаракатлар бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни вужудга келтириш, мулкни давлат монополиясидан чиқариб, унинг турли шаклларини жорий этиш, рақобат механизмини яратиш, горизонтал хўжалик алоқаларини тиклаш ва тадбиркорликка кенг йўл очиш масалаларига қаратилди.

Ишлаб чиқаришнинг мазмунида чуқур ўзгаришлар қилинди, яъни "ишлаб чиқариш фақат ишлаб чиқариш ёки миқдор учун эмас" ишлаб чиқариш инсон учун, унинг реал эҳтиёжларини чекланган ресурслар шароитида оқилона қондириш учун амалга оширила бошланди. Ишлаб чиқаришнинг "харажатли-миқдор" тизимидан, ишлаб чиқариш ресурсларидан "максимум тежамкорлик" тизимига ўтилди. Ишлаб чиқариш аввало, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишга, истеъмол бозорини тўлдиришга йўналтирилган бўлиб, шу асосда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилди.

Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик, субъектив омиллари ўрнига бошқаришнинг моддий манфаатдорликка, мулкдор-эгалик ҳиссига асосланган, иқтисодий қонунлар талабларига мувофиқ бошқариладиган янги тизими ишлаб чиқилди.

Иқтисодий муносабатларни "давлат томонидан тартибга солиш" ва "ўз-ўзини тартибга солиш" механизмларидан фойдаланган ҳолда бошқариш усули барпо этилди. Бугунги кунда ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари бозор иқтисодиётининг асосий қонунлари бўлган талаб ва таклиф, қиймат, товар ва пул муомаласи қонунлари талаблари асосида тартибга солиниши йўлга қўйилди.

Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Агар хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкий шакли бўйича қарайдиган бўлсак, ҳозирги пайтда 87,4 фоизи нодавлат, 12,6 фоизи давлат мулки кўринишида фаолият юритмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда республикамизда 70 мингта яқин корхона бўлиб, шундан 50,5 мингта яқини хусусийлаштирилгандир. Агар корхоналарнинг мулкий таркибига қарайдиган бўлсак 19,5 мингта яқини давлат, 10,5 мингта хусусий, 3,4 мингдан ортиқ чет эл инвесторлари иштирокида, шундан 442 давлат улуши бор қўшма корхона, 3,5 мингта яқин акционерлик жамияти, 1,2 мингта яқин жамоа ва 34 мингдан ортиқ бошқа корхоналардир.

Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилди ва бугунги кунда 180 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва 200 мингта яқин якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда.

Ислоҳотлар қишлоқ хўжалигида ҳам жадал суръатлар билан олиб борилди. Масалан, ҳозирги пайтда республикамиз ҳудудида 3,3 миллион шахсий томорқа хўжалиги мавжуд бўлиб, шундан 1,8 миллионга яқини деҳқон хўжалигидир. Бундан ташқари, 42 мингдан ортиқ фермер ва 1,4 мингдан зиёд ширкат хўжалигининг фаолият кўрсатиши мамлакатимизда аграр муносабатлар жиддий ислоҳ қилинганининг яққол далилидир.

Маълумки, ҳар қандай мустақил давлатнинг қудратини белгиловчи энг асосий мезон — ўз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш, яъни озиқ-овқат хавфсизлигига эришишдир. Агар Ўзбекистонда 1991 йилгача 200 минг тоннага яқин дон етиштирилган бўлса, ўтган қисқа давр ичида бу рақам 4 миллион тоннагача ўсди ва Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб ғалла мустақиллигига эришди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда фермерлар, акциядорлар, тижоратчилар, хусусий мулк эгаларидан иборат бўлган мулкдорлар ва тадбиркорлар синфи шаклланди, рақобат механизмининг амал қилиши учун барча шароит яратилди.

Жамият иқтисодий тараққиётининг асоси бўлган меҳнатга ва уни амалга оширувчи меҳнаткашга муносабат ўзгарди. Жамият аъзоларининг ижтимоий онгида инқилоб амалга оширилди, яъни одамлар боқимандалик психологиясидан қутилди ва "ишлаган тишлайди" деган оддий ҳақиқат ўз ўрнини топди.

Инсон омилига катта эътибор берила бошланди. Одамлар навбатга туриш, дефицит, тақчиллик азобидан қутилди.

Жамият режали иқтисодиёт тизимидан бозор иқтисодиёти тизимига ўтди ва унга мос бўлган меъёрий, ҳуқуқий-иқтисодий база барпо этилди.

Халқимизнинг азалий хислатларидан бири бўлган тадбиркорлик ва ташаббускорликка кенг йўл очилди.

Жаҳон иқтисодиёти уммонида "ўзбек модели" деган янги атама пайдо бўлди ва Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Умуминсоний қадриятларга асосланган, ҳуқуқий, демократик давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиш асослари яратилди.

Бу давр ичида, яна бир муҳим тизим — бозор инфратузилмаси негизига асос солинганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак. Масалан, ҳозирги вақтда жами 32 биржа, яъни 15 биржа товар, хомашё бозорида, 16 биржа кўчмас мулк бозорида, 1 биржа қимматбаҳо қоғозлар бозорида ишлаб турибди. Бундан ташқари, жами 46 фонд, яъни 43 хусусийлаштириш-инвестиция фонди

Куч – билим ва тафаккурда

Ўзбекистон Президентининг янги асрдаги биринчи Давлат стипендиатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5-февралдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25-мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетига 3-ўқув йили аспирантлари учун таъсис этилган Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендияларини тайинлаш юклатилган.

2000 йилда 8-мартда ўтказилган Ўзбекистон Президенти Давлат стипендияси танловига Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия, Макроиқтисодиёт ва статистика, Ташқи ишлар вазирликлари, Геология ва минерал ресурслар давлат комитети, Почта ва телекоммуникация агентлиги, Ўзбекистон темир йўллари ДАК, Банклар ассоциациясидан 53 даъвогар аспирантнинг ҳужжатлари тақдим этилди.

ФТДКнинг Танлов комиссияси 2000 йил 18-декабрдаги мажлисида дастлабки экспертизадан ўтиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКда тегишли имтиҳон ва синовларни топширишга тавсия этилган 44 аспирант ўртасида якуний танлов ўтказди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун Давлат стипендиялари тўғрисидаги Низом ва уларни тайинлаш тартиби»га биноан яширин овоз бериш йўли билан давлат илмий-техника сиёсатининг 5 та устувор йўналиши бўйича Ўзбекистон Президентининг 2001 йилги Давлат стипендияларининг ғолибларини аниқлади.

Фан ва техника давлат комитети ўзининг 2000 йил 19-декабрдаги Қарори билан танлов комиссияси тавсия этган 5 нафар иқтидорли аспирантни давлат илмий-техника сиёсатининг қуйидаги 5 та устувор йўналиши бўйича Ўзбекистон Президентининг 2001 йилги Давлат стипендиатлари деб тасдиқлади.

Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш:

Аҳроров Анваржон Ҳамроқулович

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети аспиранти.

1993 йилда Тайлоқ туманидаги 8-ўрта мактабни битирган.

1993 йилда Самарқанд давлат университетининг чет тиллар факультети инглиз филологияси бўлимига ўқишга кирган. 1998 йилда Самарқанд давлат чет тиллар институтини шу мутахассислик бўйича битирган.

1998 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига «Халқаро ҳуқуқ» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Халқаро шартномаларнинг шакллари ва тили».

Илмий раҳбари: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра мудири, юридик фанлари доктори, профессор А.Х. Саидов.

Етакчи илмий нашрларда 1 та мақоласи ва 1 та рисоласи чоп этилган.

Агросаноат мажмуаси:

Прихожко Юрий Михайлович

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) аспиранти.

1991 йилда шу институт қошидаги 142-сонли экспериментал мактабни «аъло» баҳолар билан тугатган.

1996 йилда ТИҚХММИни «Муҳандис-электрик» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатган. 1996-1998 йилларда стажёр-тадқиқотчи бўлган.

1998 йилда ТИҚХММИга «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Электр ишлов бериш йўли билан мева, сабзавот ва илдизмевалардан шарбат ажратиб олиш жараёнининг самарадорлигини ошириш».

Илмий раҳбари: ТИҚХММИ декани, техника фанлари доктори, профессор М.И. Исмоилов.

Хорижий нашрларда 2 та мақоласи чоп этилган. 1 ихтиро ҳаммуаллифи, 1 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган. Олий ўқув юрти тўпламида 1 та мақоласи ҳаммуаллифликда чоп этилган.

Энергетика, ресурслар, саноат:

Сафаева Нигора Раҳимжоновна

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компаниясининг Акмал Икромов номидаги Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти аспиранти.

1991 йилда Тошкент шаҳридаги 147-сонли ўрта мактабни битирган.

1995 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг қурилиш факультетини тугатган. 1996-1998 йилларда «Кўприк» илмий ишлаб чиқариш марказида муҳандис бўлиб ишлаган.

1998 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтига «Кўприклар ва транспорт тоннеллари» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Автомобиль йўл кўприкларининг қатнов қисмлари конструкцияларини такомиллаштириш».

Илмий раҳбари: Тошкент автомобиль йўллари институти кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор А. Эшонхўжаев.

Етакчи илмий нашрларда 1 та, хорижда 1 мақоласи чоп этилган, 1 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Соғлиқни сақлаш ва экология:

Боқиева Шаҳло Ҳамидуллаевна

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг II Тошкент давлат тиббиёт институти аспиранти.

1990 йилда Тошкент шаҳридаги 41-сонли ўрта мактабни олтин медаль билан битирган. 1998 йилда 3-мусиқа мактабини фортепиано бўйича битирган.

1996 йилда II Тошкент давлат тиббиёт институтини «Даволаш иши» мутахассислиги бўйича битирган. Шу йили «Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари» кафедрасига клиник ординатор қилиб қабул қилинган ва 1998 йилда «Оториноларингология» мутахассислиги бўйича битирган.

1998 йилда «Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Синуитларда микрогемоциркуляция бузилишининг ёшга кўра ўзига хос хусусиятлари ва уларни даволаш усулларини ишлаб чиқиш».

Илмий раҳбари: II Тошкент давлат тиббиёт институти кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор А.М. Ҳакимов.

Етакчи илмий нашрларда 1 та мақоласи, 3 та тезиси чоп этилган, 1 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув:

Ибрагимов Алимжон Ортиқбоевич

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети аспиранти.

1989 йилда Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 8-сонли ўрта мактабни тугатган.

1994 йилда Навоий давлат педагогика институтини «Математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирган. 1994-1998 йилларда шу институтнинг Математик таҳлил ва информатика кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган.

1998 йилда «Математик моделлаштиришнинг назарий асослари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Математик моделлаштиришда интервал-аналитик усуллар».

Илмий раҳбари: Ўзбекистон Миллий университети доценти, физика-математика фанлари номзоди З.Х. Йўлдошев.

Республика илмий анжуманларидаги иштироки бўйича 1 тезиси эълон қилинган, 2 та мақоласи хорижда нашр этишга топширилган.

Фан ва техника давлат комитети Президент Давлат стипендияларининг янги асрдаги биринчи ғолиб аспирантларини, уларнинг ота-оналари, уларга таълим берган ўқитувчи-профессорлар, илмий раҳбарлар, олий ўқув юрти ҳамда илмий-тадқиқот институтлари раҳбарларини ушбу катта муваффақият билан табриклайди.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети.

(ХИФ), 3 инвестиция фонди (ИФ) ва 33 тижорат, 12 хусусий банк фаолият кўрсатмоқда.

Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, мамлакатимиз ҳудудидаги ер ости бойликлари ва бошқа табиий бойликларнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси халқимиз бўлиб қолди.

Оқилона олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида Ўзбекистон бугунги кунга келиб МДҲ мамлакатлари орасида иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган кучли давлатлардан бирига айланди. Бунинг исботи сифатида жорий йилнинг якуни бўйича кутилаётган дастлабки иқтисодий кўрсаткичларга назар ташлаш кифоя. Масалан, ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоизга, саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш 5,7 фоизга, қишлоқ хўжалигида 3,2 фоизга ошиши кутилмоқда. Ўзбекистоннинг тугаётган асрда иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Жамиятнинг иқтисодий тизими ўзгартирилди ва иқтисодиётни бошқаришнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги тизими яратилди.

2. Мулкдорлар синфи шакллантирилди.

3. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни узлуксиз таъминлайдиган иқтисодиёт асослари барпо этилди.

4. Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигига эришди.

5. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёни амалга оширилди.

Иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда, XXI асрда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, кўплаб саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий самарадорлик масаласи (шу йилнинг 1-декабр ҳолатига 1000 дан ортиқ корхонанинг банкрот деб эълон қилинганлиги, мулкида давлат улуши бор 100 дан ошиқ корхонанинг иқтисодий ночорлик аломатига эгалиги), оборотдаги ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, ерни соғломлаштириш, мамлакатда сув танқислигини бартараф этиш, ижтимоий онгнинг ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, мулкчилик (хўжалик юритиш) шаклларини танлай билиш ва мулкни ҳақиқий эгаларига топшириш каби долзарб масалалар ҳал этилиши лозим.

Булар, шубҳасиз, бартараф этилиши мумкин бўлган муаммолар бўлиб, уларнинг аксарият қисми ўтиш даврига хосдир. Чунки тарихга назар солсангиз, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш ҳеч қачон осон кечмаганлигининг гувоҳи бўласиз.

Ўзбекистон сиёсий соҳада ҳам катта ютуқларга эришди. Халқимизнинг муқаддас орзуси ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмаслиги, унинг чегаралари дахлсизлиги таъминланди.

Кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллиги реал воқеликка айланди. Ягона мафкуранинг яккаҳокимлигига барҳам берилди. Умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бутун дунё тан олган мезон ва қоидалари қарор топди.

Бугунги кунда Ўзбекистон 100 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. 37 давлатда элчихоналаримиз ва ваколатхоналаримиз ишлаб турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби йирик халқаро ташкилотларда вакилларимиз фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда эса ўнга яқин халқаро ташкилот ваколатхонаси, 66 давлат элчихона ва ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон дунё сиёсатида ҳам ўзининг мустаҳкам ўрнини эгалламоқда ва бу жараён XXI асрда ҳам изчил давом этади.

Мамлакатимиз истиқлол йўлини тутгач, қисқа давр ичида ижтимоий соҳада ҳам катта ютуқларга эришди.

Мустақиллик натижасида биз қайси тилда гаплашиш, қайси ғоя ва тарихга сиғиниш, қандай фикрлаш, ишлаш ва ҳатто қандай яшаш кераклиги бўйича кўрсатма берувчи шўро тизимидан, унинг коммунистик мафкурасидан қутилдик.

Мустақиллик бизга Ватанимизни, Она тилимизни, Тарихимизни, Эътиқодимизни, қолаверса, Ўзимизни ўзимизга қайтиб берди. Бир вақтлар унутилишга маҳкум этилган миллий қадриятларимиз ва тарихимиз тикланди, даҳрийликдан ўз динимизга қайтдик. Миллий бойлигимизни ўзимиз тасарруф этишга эришдик. Энг асосийси - халқимиз ўзлигини англади, мустақил халқ ва давлатга айландик.

Жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ал-Хоразмий каби буюк бобокалонларимизнинг табаррук номлари, илмий мероси тикланди ва ўрганилмоқда. Дунёга бундай буюк сиймоларни берган халқнинг ўтмишини ҳам буюк дейишга юз бора ҳақлимиз.

Истиқлол йилларида ишлаб чиқариш режа учун эмас, балки инсон учун, унинг фаровонлиги учун хизмат қилишидек оддий ҳақиқат рўёбга чиқарилди, яъни ишлаб чиқариш инсон томон юз тутди.

Инсон омилига катта эътибор берила бошланди. Соғлом авлод дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши, 2000 йилнинг Соғлом авлод йили, 2001 йилнинг эса Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши бу борада қилинаётган хайрли ишлардир.

Мана XXI асрга киришимизга ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Ҳаётнинг барча жабҳаларида биз эришган ютуқлар кўпгина халқаро экспертлар томонидан тан олинган ҳақиқатдир.

Мустақилликнинг илк кунларида қилинган пуч, асоссиз башоратлар инкор этилиб, юқорида қайд этилган улуғвор ишлар бевосита Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилгани ва бу ишлар XXI асрда ҳам давом эттирилишини алоҳида таъкидламоқ керак.

XX асрда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида эришган ютуқларимиз ва мавжуд салоҳиятимиз, бир вақтлар гуллаб яшнаган Туронзаминнинг XXI асрда Ўзбекистон кўринишида жаҳон цивилизациясига қайтишига асос бўлади десак, асло янглишмаймиз.

Зеро, халқимизда “Оққан дарё оқаверади” деган ҳикматли сўз бор. Ўтмиши буюк бўлган халқнинг келажаги ҳам буюк бўлиши шубҳасиз.

Одил ҲАМРОЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

VISA

ЎзДЭУ Банк

Ўзбекистон аҳолисини Ийд ал-Фитр - Рамазон ҳайити, ҳамда кириб келаётган янги - 2001 йил билан чин қалбдан табриклайди.
Янги йил бу жаннатмакон ўлка аҳолиси учун омад ва зафарлар йили бўлсин!

ЎзДЭУ Банк
янги йилда VISA халқаро карточкаларини муомалага чиқариш ҳамда «Банк-Клиент» каби янги хизмат турларини ўз мижозларига таклиф қилишда давом этади.

ЎзДЭУ Банк VISA халқаро карточкаси муваффақиятингиз гаровидир!!





ЎзДЭУ Банк, 700000, Тошкент, Пушкин кўчаси, 1, Тел.120-80-00. Факс: 120-69-70.

«БУХОРОТУРИСТ»
ҳиссадорлик жамияти

барча ҳамюртларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини кириб келаётган
ЯНГИ 2001 ЙИЛ БИЛАН
қизғин муборакбод этади.



Ўзининг 2500 йиллик юбилейини нишонлаган, «Буюк Ипак Йўли»да жойлашган қадимий Бухоро шаҳрининг тарихий обидалари бўйлаб саёҳат уюштириш ва унинг қадамжоларига зиёрат ташкил қилишда Сизларга хизмат кўрсатишдан биз ҳамиша мамнунмиз.

Мурожаат учун телефон: (365) 223 01 24
Факс: (365) 223 13 59, 223 10 33

• Эҳтиром

Отадай азиз инсон

Халқимиз устоз мавқеидаги инсонларни азал-азалдан чин кўнгилдан эъзозлаб, қадрлаб келади. Миллатимизнинг устоз зотларга эҳтиромини ёрқин ифодаловчи мақоллар ва ривоятлар ҳам жуда кўп. Масалан, «Устоз — отангдай азиз» дейдиган гўзал ҳикматли иборани эслайлик.

Ёки бошқа бир ривоятда айтилишича, бир донишманддан шогирдлари, дунёда онадан ҳам азиз инсон бормикин, деб сўрашибди.

— Бор, — дебди донишманд.

— Ким у? — қизиқсиниб қолишибди шогирдлар.

— Устоз, — дебди донишманд. Ва шогирдлар чеҳрасидаги саволомуз ифодани пайқагач, фикрини давом эттирибди:

— Она фарзандни туғади. Ердаги кундалик ҳаётга аралаштиради. Лекин устоз бу фарзандни тарбиялаб, ақл-идроки, тафаккурини ўстириб, уни кундалик, ер бағирлаб ётган ҳаёт оғушидан маънавият осмонига кўтаради, инсон боласига улуғлик бағишлайди...

Шундай қилиб, кўраяпмизки, халқимиз устоз зотларни ҳатто ота-онадай энг табаррук, энг улуғ инсонлардан ҳам улуғроқ деб билади.

Мен ҳам халқимизнинг ана шундай эзгу эътиқодига амал қилган ҳолда, қуйида юртимизнинг атоқли бир фарзанди ва элимизнинг кўзга кўринган намояндаларидан бири тўғрисида тўхталмоқчиман. Бу муҳтарам зот — академик Оқил Умрзоқович Салимовдир.

Оқил Умрзоқовични бутун Ўзбекистон халқи яхши танийди ва чин дилдан ҳурмат қилади. Оқил Умрзоқович Салимов кўп йиллар мобайнида давлатимизнинг энг юксак раҳбарлик лавозимларида сидқидилдан хизмат қилди, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшди. Шу билан бирга, собиқ шўро тузумининг оғир адолатсизликларига ҳам дуч келди.

Ўзбекистон мустақиллиги бу муҳтарам инсоннинг ноҳақ топталган қадр-қимматини қайта тиклади ва юксак илмий-педагогик ҳамда ташкилотчилик салоҳиятини озод, ҳур Ватанимиз равнақига сафарбар этиш учун имкониятлар яратди.

Оқил Умрзоқович улкан ва самарали ҳаёт йўлини босиб ўтди. Қандай шароитда яшамасин ва ишламасин, ўз кучғайрати ва меҳнатини Ватанимиз фаровонлиги, халқимиз бахт-саодатига бағишлади. Жумладан, бу ажойиб инсон республикамиз илм-фани ва таълим-тарбия соҳаларининг ривожи йўлида бебаҳо хизматлар қилди.

У 1928 йилнинг 24 декабрида Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатгач, 1945 йилда Ўрта Осиё индустриал институтининг механика факультетига кириб, уни 1950 йилда муваффақиятли битирди. Сўнг илмий фаолият билан шуғулланди. «Иссиқ иқлим шароитида автотрактор двигателларининг совутиш тизими тадқиқи» мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Ушбу тадқиқот трактор двигателларининг иссиқлик алмашиш жараёнларини ўрганиш орқали унинг совутиш тизимининг бизни республикамиздагидай иссиқ иқлим шароитида ялпи кучланиши ва иқтисодий самарадорлигини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган бўлиб, амалий жиҳатдан жиддий аҳамиятга молик иш эди. Шундан кейин ёш олим Тошкент Политехника институтида ишлаб юрган кезларида аниқ мақсадли ва йўналишли назарий ва амалий тадқиқотларни қизғин давом эттирди. Шу асосда 1978 йилда «Иссиқ двигателларда суюқ ёнилғиларнинг ёниш жараёнини жадаллаштириш ва уларни электростатик усулда парчалаш назарияси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Оқил Умрзоқович толмас тадқиқотчи сифатида 76 тадан кўпроқ илмий иш яратди, шу жумладан 14 та монография чоп эттирди, техника соҳасидаги ихтиролари учун унга учта муаллифлик гувоҳномаси берилган.

Атоқли олим узоқ йиллар республикадаги номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган Илмий кенгашларга раислик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида учта докторлик ва ўндан ортиқ фан номзодлиги учун илмий ишлар ҳимоя этилди.

Бу ўзбек олими ва педагогининг ишлари салмоғи мамлакатимиздан ташқарисида ҳам маълум ва машҳурдир. Шу сабабли, О.У. Салимов Москвадаги Халқаро Олий таълим академиясининг ҳамда Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига, шунингдек, Москва Автомобил йўллар техника университетининг фахрий профессорлигига сайланган.

Оқил Умрзоқович республикамизда баркамол янги авлодларни тарбиялаб етиштиришига самарали ҳисса қўшиб келмоқда. У 1986-1992 йилларда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтида, 1992-1994 йилларда Тошкент Давлат техника университетида ректорлик даврларида, айниқса, 1994-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимларида ишлаган пайтларида асосий эътиборни ўқув-тарбиявий ишларнинг янги, самарали шаклларини излаб топишга, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан республика олий таълим тизими олдига қўйилган долзарб вазифаларни сидқидилдан бажаришга, жаҳондаги илғор мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш борасида тажрибаларини мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кенг оммалаштиришга бутун диққат-эътиборини қаратди. Ёши 70 дан ошган бўлса-да, бу атоқли олим ва устоз-мураббий ҳозирги кунда ҳам республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида вазир маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. У ўзининг меҳнатсеварлиги билан ҳамиша кишилар ҳурмати ва эътиборига сазовордир.

Мустақиллик йилларида Оқил Умрзоқович ўзининг Ватан, халқ, илм-фан ва таълим-тарбия тизими олдидаги улкан хизматлари учун Ватаннинг юксак мукофотлари — «Дўстлик», яқинда эса «Эл-юрт ҳурмати» орденлари, бир қатор медаллар билан мукофотланган.

Республика таълим тизими меҳнаткашлари ўз сафларида Оқил Умрзоқович Салимовдай ажойиб инсон, атоқли олим ва муҳтарам устоз борлигидан фахрланадилар. Ва, у кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Ватан ободлиги, халқ бахт-саодати учун қилаётган меҳнатларига янги ютуқлар тилайди.

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири.

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ тумани ҳам ўзининг шошилинч тиббий ёрдам марказига эга бўлди.

Яна бир марказ фаолиятда

Туман марказий касалхонаси қошида очилган мазкур шифо маскани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Беморларга рентген, ультра товуш, электрокардиограмма, компьютер ёрдамида ташхис қўйиш ва даволаш йўлга қўйилган. Бу ерда оналар ва болалар саломатлигини тиклаш мақсадида ўн ўринли умумий даволаш бўлими ҳам ишлай бошлади. Бунинг учун 13 миллион сўм маблағ сарфланди.

СУРАТЛАРДА: марказ очилишидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

• Жумбоқ

987654321=100

Рақамлар орасига мусбат ва манфий ишораларни қўйиб, натижаси 100 чиқадиган математик ифода тузинг.

Жавобларингизни 136-35-60 телефонга хабар қилинг.

Кечаги жумбоқнинг жавоби:



Демак, талаба 10 та хатога йўл қўйган. Бу ҳақда таҳририятимизга Тошкентдан Маҳбубахон Бегматова, Искандар Аслонов, Бўкадан доимий мухлисимиз Абдулҳай Шотемиров тезкорлик билан жавоб йўллашди.

Табиат бойлиги

Халқимиз соғлиғи.

3004

АПКАЛ-Г
(глюконат кальций 500 мг)

КАЛЬЦИЙ ГЛЮКОНАТ ҲАМИША СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ

3544

Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори

АСПАЛЬГИН

Бу дори кучли оғриқни босади



ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.

3427

ОҒРИҚ?

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

АПАЛЬГИН

(500 мг анальгин) оғриққа қарши куч.

3426

ТАШКИЛОТ

ДУ-20 мм, ДУ-50 мм, ДУ-32 мм, ф 76х3,5 мм пўлат қувурларни сотади.

Мулоқот учун телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, факс 144-38-18 .

3523

МУҲТАРАМ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

ЯНГИ АСРДА ХАЛҚ БАНКИНИНГ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ:

- *товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар;*
- *ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини банк муассасалари орқали тўлаш;*
- *жисмоний ва юридик шахсларга кредит бериш;*
- *аҳолига коммунал, газ ва электр энергияси учун тўловлар қабул қилиш;*
- *қимматликларни сақлаш бўйича сейфларни ижарага бериш;*
- *қимматбаҳо қоғозлар билан муомалаларни амалга ошириш;*
- *юридик шахсларга депозитар хизматлар кўрсатиш;*
- *валюта муомалалари, хорижий валюталарни четга олиб чиқиш учун рухсатномалар бериш;*
- *омонатларнинг ўндан ортиқ турлари;*

Ўз жамғармангизни Халқ банкида сақлаб, Сиз катта миқдордаги даромадлар ва пул ютуқлар соҳиби бўласиз

Сиз Халқ банкининг **«ОМАД»** ёки **«ЖАМҒАРМА»** пул-ютуқли омонатларига маблағларингизни қўйиб, бир йилда икки марта ўтказиладиган ютуқлар тиражи якунига кўра, катта миқдордаги даромадлар ва пул ютуқлари соҳиблари бўлиш имкониятларига эга бўласиз.

Халқ банки олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаси бўлишни хоҳлаганлар учун «Абитуриент» мақсадли омонатини таклиф этади:

Бизга аъзо бўлиб, республикамизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олиш учун тўланадиган маблағни банк кредити ҳисобидан тўлашингиз мумкин

Халқ банкининг янги «Абитуриент» мақсадли омонати — ўрта махсус ва олий маълумот олиш учун ишончли таянчдир!

Шахсий уй-жойга эга бўлишни истайсизми?

Халқ банки мижозлари учун — бу истак эмас, балки ҳақиқат. Халқ банки Сизнинг истагингизни амалга оширишда яқиндан ёрдам бериб, уй-жой қуриш учун ўн йил муддатгача кредит беради.

Халқ банки кредити — бу Сизнинг бугунги орзуингиз рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!

Халқ банкининг янги йил совғаси!

Янги аср бошида Халқ банкининг «Совға» лаҳзали пул-ютуқли лотереясини харид қилиб, Сиз дастлабки ўн йил давомида ҳар ойда ўз жамғармангизни 10000 сўмдан бойитишингиз ёки янги асрнинг биринчи йилидаёқ шахсий автомобилга, шунингдек, 3000000 сўмлик пул ютуқларига эга бўлишингиз мумкин.

Ўз омадингизни синаб кўринг!

МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ФАҚАТ ХАЛҚ БАНКИ МУАССАСАЛАРИДАГИНА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГАНИ ВА КАФОЛАТЛАНГАНЛИГИНИ УНУТМАНГ.



Халқ банки янги мингйилликда ҳам Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлиб қолади!

Сизни қизиқтираётган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

3573

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси жамоаси вазирнинг биринчи ўринбосари С. Бегалиевга падари бузруквори **БЕГАЛИ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Саноатда ва кончиликда ишларни бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги геология-қидирув ишларини назорат қилиш инспекциясининг 1 тоифали мутахассиси, давлат инспектори Гулчеҳра Машакировага волидаи муҳтарамаси **Фарида АҲМЕДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри жамоаси шу театр актрисаси Соадат Собиржоновага онаси **САНОБАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси кекса ношир, «Ўзбек тили ва адабиёти» таҳририятининг собиқ бўлим мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Холида СУЛАЙМОНОВАнинг** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин кишиларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1115.
18120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Ф. САНАЕВ.**
Навбатчи — **Б. ОСТОНАҚУЛОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **А. САТОРОВ.**

• **МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6